



*А. ҲОЖИАҲМЕДОВ*

**МАКТАБДА  
ЎРГАНИЛАДИГАН  
МУМТОЗ  
ШЕЪРИЯТНИНГ  
ВАЗН  
КЎРСАТКИЧЛАРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ПЕДАГОГИК ХОДИМЛАР  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**МАКТАБДА ЎРГАНИЛАДИГАН  
МУМТОЗ ШЕЪРИЯТНИНГ  
ВАЗН КЎРСАТКИЧЛАРИ**

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАХРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2001**

Мазкур тўплам институт «Ахборот ва тарғибот»  
бўлими кенгаши қарори билан нашрга тавсия этилди.

Т у з у в ч и:

профессор *Анвар ҲОЖИАҲМЕДОВ*

Т а қ р и з ч и л а р:

педагогика фанлари номзоди, доцент: *Р.К.УСМОНОВ*  
филология фанлари номзоди, доцент: *О. МАДАЕВ*

### **Ҳожиаҳмедов А.**

Мактабда ўрганиладиган мумтоз шеърятнинг вазн  
кўрсаткичлари. — Т.: «Шарқ», 2001. — 64 б.

**83.3 Ўз2**

Кўлингиздаги китобчада аруз вазнидаги шеърий асарларни  
ифодалаи ўқиш усуллари ёритилиб, V—X синф мажмуаларидан  
ўрин олган мумтоз адабиётимиз намуналарининг вазн кўрсаткич-  
лари акс эттирилган. Мазкур қўлланма аруз назарияси ва амалиё-  
тини ўрганишингизда, аруз вазнидаги шеърий асарларни ифодалаи  
ўқиш малакасини эгаллашингизда сизга ёрдам беради, деб умид  
қиламиз.

## АРУЗ ИЛМИ АСОСЛАРИ ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

Маълумки, ҳар қандай шеърий асарни ўрганиш уни ифодали ўқишдан бошланади. Зеро, шоирнинг ғоявий-бадиий нияти, асарда мужассамлантирилган ҳис-туйғулар, қаҳрамонларнинг маънавий қиёфалари, ижодкорнинг бадиий даҳоси, она тилининг беҳад гўзалликларидан фойдаланиш маҳорати аввало ифодали ўқиш чоғида намоён бўлади. Бу жараёнда ўқувчи шоир ижодхонаси билан яқиндан танишиб, унинг тафаккур олами, бадиий ҳаёлот кўлами, инсоний кечинмаларни англаш ва таъсирчан ифодаларда жилолантириш санъаткорлиги, ҳар бир сўз, ҳар бир товуш нафосату назокатидан безавол лирик ва эпик тимсоллар чизишда баҳраманд бўлиш салоҳиятини теран ҳис қилади, қалам соҳиби қалбининг энг нозик эҳтирослари билан ошно бўлади. Ифодали ўқиш ижодкор билан ўқувчи муносабатларини ҳам белгилаб, ўрганилаётган шеърий асарга қизиқиш, эътибор, муҳаббат уйғотади. Бу эса шеър таҳлили учун ғоятда муҳимдир.

Шеърият мухлислари бармоқ ўлчови асосида яратилган бадиий асарларни ҳеч қийналмай ўқий оладилар. Аммо анча мураккаб бўлган аруз ўлчовида яратилган мумтоз адабиёт намуналарини ифодали ўқишда аксар ўқувчилар турли қийинчиликларга дуч келади. Гап шундаки, бармоқ вазнидаги асарлар мисраларда тенг миқдордаги ҳижоларнинг маълум тартибда гуруҳланиб такрорланишига асосланса, аруз тизимидаги шеърларда ҳижоларнинг чўзиқ ва қисқалиги асосий аҳамиятга эга бўлади. Бунинг устига мумтоз шеърият асарларида ўта чўзиқ ҳижоларнинг кенг қўлланиши, кўп ҳижоларнинг вазн талаби билан қўшиб юборилиши, анчагина сўзлар, қўшимчаларнинг ўлчов тақозосига кўра ўзгартириб ўқилиши, бир хил унли товушларнинг гоҳ қисқа, гоҳ чўзиқ талаффуз қилиниши каби ҳолатлар ушбу ўлчов асосида битилган шеърий обидаларни ифодали ўқишда муайян мушкулотларни туғдиради. Бошқача қилиб айтганда, аруз назарияси ва амалиётидан яхши хабардор бўлмаган ўқувчи бу хил асарларни ифодали ўқий олмайди.

Маълумки, аруз шеърий ўлчов тизими мисраларда қисқа ва чўзиқ ҳижоларнинг муайян тартибда гуруҳланиб такрорланишига асосланади.

Қисқа унли билан тугалланган очиқ ҳижолар қисқа ҳижо саналади. «Вафо», «бозор», «китоб», «безак», «узук», «ўроқ» сўзларининг биринчи ҳижолари ана шундай қисқа ҳижолардир. Улар шеър чизмасида **v** белгиси билан ифодаланади.

Чўзиқ унли билан тугалланган (до-но, зе-бо каби) очиқ ҳижолар, шунингдек, таркибида қисқа унли бўлган, (жан-нат, ул-фат каби) ёпиқ ҳижолар **чўзиқ ҳижо** дейилади. Улар шеър чизмасида — белгиси билан ифодаланади.

Таркибида чўзиқ унли бўлган (боғ, ёр, шод каби), шунингдек, қўш ундош билан тугалланган (жисм, меҳр, илм каби) ёпиқ ҳижолар **ўта чўзиқ ҳижо** саналади. Улар мисра ичида — **v**, мисра охирида эса — белгиси билан ифодаланади. Ҳижоларнинг чўзиқ-қисқалиги шеърий мисраларнинг ёзилишига кўра эмас, балки вазнга мувофиқ ўқилишига кўра аниқланади.

Масалан, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг

Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати,

Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти

байтидаги -ба, -да, -я ҳижолари қисқа, фас, -ли, вас, -ли, -лар;

нинг, суҳ, -ти, баҳ, -си, дар, -ди, бо, -нинг, кай, -фи, -ти ҳижолари чўзиқ, ёз, ёр, дўст, шеър, ишқ ҳижолари ўта чўзиқдир.

Қисқа, чўзиқ ва ўта чўзиқ ҳижоларнинг турлича бирикувидан руқнлар деб аталган ритмик бўлақлар ташкил топади.

Аруз илми саккиз асл руқнга асосланади, улардан 5 таси шеърятимизда кенг қўлланилган (мактабда ўрганиладиган шеърый асарлар ҳам ана шу руқнлар заминида яратилган). Булар **фаулун, мафойилун, фойлотун, мустафьялун ва мафъулоту** руқнларидир. Ушбу руқнларнинг ҳар бирини турлича ўзгартирилиб, уларнинг тармоқлари ҳосил қилинади. Аруздаги барча ўлчовлар мазкур асосий ва тармоқ руқнларга таянади. Шеърятимизда ҳар қайси асл руқннинг қуйидаги тармоқларидан фойдаланилган:

### I. Фаулун асли ва тармоқлари:

- |                            |                            |
|----------------------------|----------------------------|
| 1. Фаулун — солим<br>v — — | 4. Фаулу — мақбуз<br>v — v |
| 2. Фаал — маҳзуф<br>v —    | 5. Фаълун — аслам<br>— — — |
| 3. Фаул — мақсур<br>v ~    |                            |

### II. Мафойилун асли ва тармоқлари:

- |                                    |                             |
|------------------------------------|-----------------------------|
| 1. Мафойилун — солим<br>v — — —    | 8. Фоилун — аштар<br>— v —  |
| 2. Мафойилон — мусаббағ<br>v — — — | 9. Мафъулу — ахраб<br>— — v |
| 3. Мафоилун — мақбуз<br>v — v —    | 10. Фаал — ажабб<br>v —     |
| 4. Мафойилу — макфуф<br>v — — v    | 11. Фаул — аҳтам<br>v ~     |
| 5. Мафойил- мақсур<br>v — —        | 12. Фаъ — абтар<br>—        |
| 6. Мафъулун — ахрам<br>— — —       | 13. Фоъ — азалл             |
| 7. Фаулун — маҳзуф<br>v — —        |                             |

### III. Фойлотун асли ва тармоқлари:

- |                                   |                                       |
|-----------------------------------|---------------------------------------|
| 1. Фойлотун — солим<br>— v — —    | 7. Фоилон — мақсур<br>— v ~           |
| 2. Фоилийён — мусаббағ<br>— v — — | 8. Фаълун — мақтуъ<br>— — —           |
| 3. Фойлоту — макфуф<br>— v — v    | 9. Фаълон — мақтуъи мусаббағ<br>— — — |
| 4. Фаилотун — махбун<br>v v — —   | 10. Фаилун — махбуни маҳзуф<br>v v —  |
| 5. Фаилоту — машкул<br>v v — v    | 11. Фаилон — махбуни мақсур<br>v v ~  |
| 6. Фоилун — маҳзуф<br>— v — —     |                                       |

#### IV. Мустафйилун асли ва тармоқлари:

1. Мустафйилун — солим  
— — √ —
2. Мустафйилон — музол  
— — √ —
3. Муфтаилун — матвий  
— √ √ —
4. Мафоилун — махбун  
√ — √ —
5. Мафоилон — махбуни музъл  
√ — √ —

#### Мафъулоту тармоқлари:

1. Фоилун — матвийи макшуф  
— √ —
2. Фоилон — матвийи мавқуф  
— √ —

Ана шу асл ва тармоқ руқнларнинг турлича такроридан ўзбек арузида кенг фойдаланилган 9 асосий ўлчов — мутақориб, ҳазаж, рамал, ражаз, музорий, хафиф, мужтасс, мунсарих ва сарий баҳрлари тузилади.

**Мутақориб** — фаулун асли ва тармоқлари,

**Ҳазаж** — мафойилун асли ва тармоқлари,

**Рамал** — фоилотун асли ва тармоқлари,

**Ражаз** — мустафйилун асли ва тармоқлари такрорига асосланади.

**Музорий** — мафойилун ва фоилотун,

**Хафиф** — фоилотун ва мустафйилун,

**Мужтасс** — мустафйилун ва фоилотун,

**Мунсарих ва сарий** — мустафйилун ва мафъулоту аслари ва тармоқларининг такроридан ҳосил бўлади.

### Баҳр ҳамда вазнларни аниқлаш усуллари

Муайян шеърий асарнинг баҳр ҳамда вазнини аниқлаш учун унинг бирон байти, кўпинча, матлаъси — биринчи байтини ритмик бўлақларга — руқнларга ажратилади ва уларнинг чизмасини чизиб, ҳар қайси бўлақ ўз таркиби жиҳатидан юқорида кўриб ўтилган асл ва тармоқ руқнлардан қайсиларига мос келиши аниқланади. Масалан, Алишер Навоийнинг «Кеча келгумдур...» деб бошланувчи ғазали матлаъсини руқнларга ажратиб, чизмасини белгиласак,

Кеча келгум — дур дебон ул — сарви гулру — келмади,

— √ — — — — √ — — — — √ — — — — √ — —

Кўзларимга — кеча тонг от — кунча уйку — келмади

— √ — — — — √ — — — — √ — — — — √ — —

манзараси ҳосил бўлади. Чизмалар асосида ҳар қайси мисрадаги 1, 2, 3 — руқнлар фоилотунга, охири руқнлар — фоилунга тенглигини аниқлаймиз. Байт фоилотун асли ва унинг маҳзуф тармоғи такрорига асосланган ўлчовда ёзилгани ва унинг рамал баҳри эканлиги маълум бўлади.

Энди шеър вазнини топамиз. Бунинг учун аввало байт неча рукндан ташкил топганига диққат қиламиз. Байт тўрт рукндан иборат бўлса, **мураббаъ** (тўрт рукдли), олти рукдли бўлса, **мусаллас** (олти рукдли), саккиз рукдли бўлса, **мусамман** (саккиз рукдли) деб юритилади.

Юқоридаги мисраларнинг ҳар бири тўрт рукндан, байт эса саккиз рукндан ташкил топганини, яъни мусамман эканлигини белгилаймиз.

Эндиги вазифа байт рукллари таркибини аниқлашдан иборат. Рукнлар асллардангина иборат бўлса, вазн солим саналади. Байт тармоқ рукнларга ҳам асосланган бўлса, ҳар қайси рукн номини аташ билан шеър вазнини белгилаймиз. Агар байтларда асл ва тармоқ рукнлар бирга қўлланган бўлса, асл рукн номи (солим)ни айтиб ўтиш шарт эмас. Навоийнинг юқоридаги байти фоилотун асли ва унинг маҳзуф тармоғи — фоилунга асосланган. Шунга кўра унинг, бинобарин, шеърнинг асосий вазни рамали мусаммани маҳзуф эканлиги маълум бўлади.

Аруз вазнидаги асарларнинг аксарияти икки, уч, тўрт ўлчовда ёзилади. Аниқроғи, шеърнинг айрим мисралари ёки байтлари асосий ўлчовдан салгина фарқланувчи вазнларда битилиши мумкин.

Кўпгина шеърий асарлар икки вазнда ёзилган бўлиб, иккинчи вазн асосий ўлчовдан мисра охиридаги ҳижо жиҳатидангина фарқ қилади. Яъни асосий ўлчовда охириги ҳижо чўзиқ бўлса, кўшимча вазнда шу ҳижо ўта чўзиқ келиши ёки аксинча бўлиши мумкин. Масалан, зикр этилган ғазалнинг учинчи мисраси охиридаги «интизор», 5 — мисраси охиридаги «эҳтиёт», 7-мисраси охиридаги «дево-навор» сўзлари ўта чўзиқ ҳижо билан тугалланган. Шунга кўра мазкур мисраларнинг охириги рукллари фоилотуннинг маҳзуф тармоғи — фоилунга эмас, балки мақсур тармоғи — фоилунга тенг келади. Демак, вазн номи ҳам ўзгаради ва рамали мусаммани мақсур деб аталади. Шундай экан, «Келмади» ғазали икки ўлчовда — рамали мусаммани маҳзуф ва рамали мусаммани мақсур вазнларида ёзилганини таъкидлаш мумкин.

Баъзи шеърий асарлар 3—4 вазнда, айримлари ҳатто 8 тагача ўлчовда ёзилиши ҳам мумкин. Шунини яхши билиб олиш зарурки, шеърда қўлланган хилма-хил вазнлар фақат битта баҳрагина мансуб бўлади, яъни асар ҳеч қачон икки баҳр асосида яратилмайди. Уларда бир баҳрга мансуб вазнларгина алмашилиб қўлланиши мумкин.

Адабиётимизда қўлланган баҳрларни ана шу жиҳатдан ҳам гуруҳларга ажратиш мумкин. Мутақориб, ражаз, музорий, мунсарих, сарий баҳрларидаги шеърлар 1—2 вазндагина, ҳазаж ва муштас баҳрларидаги асарлар 1—4 ўлчов асосида, рамал ва хафиф баҳрларидаги эса 8 тагача вазнда ёзилиши мумкинлиги аниқланган.

## **V—X синфларнинг адабиёт мажмуаларидан ўрин олган мумтоз шеърийят намуналарининг вазн кўрсаткичлари**

Мактаб дастурларидан ўрин олган мумтоз шеърийят намуналарини ифодали ўқиш, уларнинг вазн хусусиятлари, ижодкорларнинг бу соҳадаги маҳоратларини ўрганишда мазкур асарлар вазни, рукллари ва чизмаларини билиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳар қайси шеърни унинг чизмаларига риоя қилган, яъни мисраларнинг қайси ҳижо-лари қисқа, қайсилари чўзиқ ёки ўта чўзиқ эканлигини ҳисобга олган

ҳолда, айна вақтда, ушбу ўлчовнинг рукнлари оҳангида ўқиш билан танланган ўлчовнинг асар гоёси, тимсоллар қиёфасини ёритишдаги ўрнини англаб етишга эришиш мумкин. Шунинг назарда тутилган ҳолда V—X синфларнинг адабиёт мажмуаларидан ўрин олган, мустақил ҳолда ўрганиш, шунингдек, қўшимча мутолаа учун тавсия қилинган барча асарларнинг вазнлари, рукнлари ва чизмалари кўрсаткичларини ўқувчилар диққатига ҳавола этдик.

Кўрсаткичлардан фойдаланишда қуйидагиларга эътибор қилиш лозим:

1. Асар ўлчови сифатида биргина вазн кўрсатилган бўлса, шеърни фақат шу вазндагина ёзилган деб тушуниш ва барча мисраларни кўрсатилган чизма ва рукнларга риоя қилиб ўқиш зарур.

2. Кўплаб шеърларнинг, хусусан, ҳазаж, рамал, ражаз, музориъ, сарий, мутақориб баҳрларидаги асарларнинг ўлчови сифатида икки вазн кўрсатилган. Демак, асарда шу икки вазндан фойдаланилган. Бу ҳолда асарнинг матлаъси (биринчи байти) ҳамда барча қофияланувчи, шунингдек, қофияланмайдиган баъзи мисралар биринчи вазн асосида, айрим қофияланмайдиган мисралар эса иккинчи вазнда эканлигига алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Бундай шеърларда қўлланган икки вазн бир-биридан фақат охириги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқ қилади. Ўқиш чоғида ана шу масалага диққат қилинса кифоя.

3. Рамал, хафиф ва мужтасс баҳрларидаги бир қатор шеърӣ асарларнинг ўлчови сифатида уч-тўрт вазн кўрсатилган. Бу — асар шу вазнлар асосида ёзилган демакдир. Бу ҳолда матладаги, шунингдек, у билан қофияланувчи барча мисралар, айна вақтда баъзи қофияланмайдиган мисралар биринчи вазнда, қолган мисралар 2-, 3-, 4- ўлчовлар асосида ёзилган деб тушуниш лозим.

Бундай шеърӣ асарлар мисралар охиридаги рукнларнинг таркиби билангина фарқ қилади. Аксар ҳолатларда охириги рукнлар ўрнидаги фоилун, фоилон, фаълун ва фаълон рукнлари алмашиниб келади. Ўқиш чоғида ана шу ҳолатга риоя қилиш керак.

4. Рубойларнинг ўқилиши алоҳида эътиборни талаб қилади. Маълумки, бу жанрдаги асарлар 1, 2, 3, 4 вазнда ёзилиши мумкин. Кўрсаткичда барча рубойларнинг ҳар қайси мисраси қайси вазн, қайси рукнлар ва қандай чизма асосида ёзилганлиги аниқ кўрсатиб қўйилди. Ўқиш чоғида ҳар бир мисра чизмаси ва рукнларини ўрганиб чиқиб, вазнларнинг бир-биридан фарқли жиҳатлари, қайси рукнларнинг ўзгачалигига диққат қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Кўрсаткичда келтирилган кўплаб вазнлар, уларнинг рукн ва чизмалари такрорланиб боради. Бу эса ушбу ўлчовларни ўзлаштириб, хотирда сақлаб қолишга имкон яратади. Ўқувчи ҳар қайси вазн, рукнлар ва чизмаларни ўрганар экан, ҳар сафар такрорланаётган ўлчовларнинг хусусиятлари, таркибига эътибор бериб борса, хилма-хил вазнларни, уларнинг рукн ва чизмаларини пухта ўзлаштиришга эришади.

Бу соҳада ўз билим ва малакаларини такомиллаштириб боришни истаган ўқувчи кўрсаткичдан янада кенроқ фойдаланиши, масалан, мажмуалардаги исталган шеърни ўқиб, унинг вазни, рукнлари ва чизмасини мустақил аниқлаб, сўнг ўз билиминини кўрсаткич асосида текшириб кўриши, вазнга доир тестлар тузиши ва уларни ечиши мумкин. Синфда вазнга доир мусобақа, викториналар уюштириш ҳам ижобий натижалар беради.



V синф

ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ

«Қаю ерда бўлса уқуш бирла ўт...»

Мутақориб мусаммани маҳзуф

Фаулун фаулун фаулун фаал  
v — — v — — v — — v — —

АЛИШЕР НАВОИЙ

Рубойлар

«Зевар китоби не тожу не афсар бил»

1-мисра:

1. Ҳазажи мусаммани аҳраби мақбузи солими абтар  
Мафъулу мафоилун мафойилун фаъ  
— — v v — v — v — — — —

2, 3, 4-мисралар:

2. Ҳазажи мусаммани аҳраби мақфуфи солими абтар  
Мафъулу мафойилу мафойилун фаъ  
— — v v — — v v — — — — —

«Фарзанд ато қуллуғин чун одат қилғай»

1, 3, 4-мисралар:

1. Ҳазажи мусаммани аҳраби мақбузи солими абтар  
Мафъулу мафоилун мафойилун фаъ  
— — v v — v — v — — — — —

2-мисра:

2. Ҳазажи мусаммани аҳраби мақфуфи солими абтар  
Мафъулу мафойилу мафойилун фаъ  
— — v v — — v v — — — — —

«Ҳар кимки чучук сўз элга изҳор айлар»

1-мисра:

Ҳазажи мусаммани аҳраби мақбузи солими абтар  
Мафъулу мафоилун мафойилун фаъ  
— — v v — v — v — — — — —

2, 3, 4-мисралар:

Ҳазажи мусаммани аҳраби мақфуфи солими абтар  
Мафъулу мафойилу мафойилун фаъ  
— — v v — — v v — — — — —

«Хўб эл била суҳбат тутубон хўб ўлғил»

Ҳазажи мусаммани аҳраби мақфуфи солими абтар  
Мафъулу мафойилу мафойилун фаъ  
— — v v — — v v — — — — —

## АБДУЛЛА АВЛОНИЙ

### «Тулкн ила қарға»

1. Хафифи мусаддаси махбуни мақтаъ  
Фоилогун мафойлун фаълун  
— v — — v — v — — —
2. Хафифи мусаддаси махбуни мақтаъи мусаббаг  
Фоилогун мафойлун фаълун  
— v — — v — v — — —
3. Хафифи мусаддаси махбуни маҳзуф  
Фоилогун мафойлун файлун  
— v — — v — v — v v —
4. Хафифи мусаддаси махбуни мақсур  
Фоилогун мафойлун фаилун  
— v — — v — v — v v —

## ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЪЗИЙ

### «Салом айтнинг»

Ҳазажи мусаммани солим  
Мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун  
v — — — v — — — v — — — v — — —

## VI синф

### АЛИШЕР НАВОИЙ

#### «Ҳотаи Тойи», «Икки вафои ёр»

1. Сарийи мусаддаси матвийи макшуф  
Муфтаилун муфтаилун фойлун  
— v v — — v v — — v — —
2. Сарийи мусаддаси матвийи мавқуф  
Муфтаилун муфтаилун фойлон  
— v v — — v v — — v — —

#### «Кабутар»

1. Мутақориби мусаммани маҳзуф  
Фаулун фаулун фаулун фаал  
v — — v — — v — — v — —
2. Мутақориби мусаммани мақсур  
Фаулун фаулун фаулун фаул  
v — — v — — v — — v — —

## ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР

### Рубоийлар

#### «Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур»

1, 2, 4-мисралар:

Ҳазажи мусаммани аҳраби макфуфи ажабб  
Мафъулу мафойилу мафойилу фаал  
— — v v — — v v — — v v — —



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/5240> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/5240> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/5240>